

Хизматлар бажариш тўғрисида шартнома
22/02-сонли

Тошкент шаҳри

26 июль 2022 йил

Бундан буён “БУЮРТМАЧИ” деб аталувчи Мирзо Улуғбек тумани 105-сонли махсус мактаб-интернати номидан директор в.в.б. Н.Насретдинова бир томондан ва бундан буён “БАЖАРУВЧИ” деб аталувчи “IDEAL FRIEND PARTNERS” МЧЖ номидан директор С.Муртазоев, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома бўйича “Буюртмачи” пудрат ишларини қабул қилиш ва тўлаш, “Бажарувчи” эса буюртмачининг буюртмаси бўйича қуйидаги пудрат ишларини бажариш мажбуриятини олади:

№	Ишнинг номи	Шартноманинг умумий қийматиҚҚС билан (битим суммаси)
1	105-сонли махсус мактаб интернатини жорий таъмирлаш	141 902 642,00
	Жами:	141 902 642,00

1.1. Шартноманинг умумий суммаси **141 902 642,00** (Бир юз қирқ бир миллион тўққиз юз икки минг олти юз қирқ икки) сўмни ташкил қилади.

1.2. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: Шартнома икки томонлама имзоланиб, Буюртмачи томонидан 30 % миқдорда бўнақ маблағлари Бажарувчи ҳисоб рақамига ўтказилган кундан бошлаб 35 банк иш куни давомида тугатилади.

ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдорда, яъни 42 570 792,60 сўм маблағни олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни, яъни 99 331 849,40 сўм маблағни жорий таъмирлаш ишлари бажарилгандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, бажарилган ишлар далолатномаси Форма-2 асосида тўлайди.

2.2. Шартнома нархи электрон савдо натижаси бўйича белгиланади ва ўзгартирилмайди, Шартномага қўшимча келишув тузиладиган ҳоллар бундан мустасно.

2.3. Ишлар якунлангандан кейин “Бажарувчи”, “Буюртмачига” бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномани тақдим этади.

2.4. “Буюртмачи” далолатнома ва унга илова қилинган бошқа ҳужжатларни олгандан кейин 10 банк иш куни ичида имзоланган далолатномани ёки ишларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиш хатини “Бажарувчи”га юбориш мажбуриятини олади.

2.5. Рад қилинган ҳолатда, ишларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиниши юзасидан камчиликларни бартараф этиш рўйхати ва муддати бўйича тамонлар ўртасида далолатнома тузилади.

2. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Мазкур шартнома белгиланган тартибда шартнома талаблари ва шартларига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.2. Шартнома шартларини бажарилишини бир томонлама рад қилиш ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

3.3. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижроси таъминланган тақдирда Шартнома бажарилган ҳисобланади.

3.4. Буюртмачининг розилиги билан ишлар муддатидан олдин бажарилиши мумкин.

3.5. Хизмат ишлари бевосита Буюртмачининг маъсул ходимлари томонидан ишлар ҳажми ва уларнинг сифати кўрсатиладиган далолатнома бўйича қабул қилинади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Буюртмачи

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

- савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи билан шартнома тузиш ёки савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи билан Шартнома тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);

- томонлар ўртасидаги Шартнома мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Бажарилган ишларни танлаб олмаслик, шунингдек бажарувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) ишларни бажарганда, ишларни қабул қилиб олишни асоссиз равишда рад этганлик учун буюртмачи бажарувчига қабул қилиб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Қабул қилиб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, бажарувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу ишлар бажарилганлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, қабул қилиб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) ишлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи бажарувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи бажарувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.4. Бажарувчи:

- савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги;

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар бажарилган ишлар сифати, стандартлар, техник шартлар, қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, бажарувчидан сифати лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар ишлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган ишлар бажарганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

6. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, товламачилик қилмайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора яъни ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги учун моддий

қимматликларни ёки мулкый наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар қўрилишига кафолат беради.

6.2. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

7. ФОРС-МАЖОР

Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1. Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил “31” декабригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда Шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Бажарувчи»

“IDEAL FRIEND PARTNERS” МЧЖ

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
Мукуми кўчаси, 190-уй
Тел.: +998 99 720 81 06
х/р: 20208000805349437001
Банк номи: Тошкент ш., “ТИФ Миллий банки”
АЖ Тошкент шаҳар Бош бошқармаси филиали
МФО: 00451 СТИР 308 230 490
ОКОНХ: 41202

Директор



С.Муртазоев

«Буюртмачи»

**Мирзо Улуғбек тумани махсус 105-сонли
мактаб интернати**

Манзил Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани,
Темур Малик кучаси 110уй
Тел.: 71 265-63-54
х/р100021860262697092400075002
Банк номи: Марказий Банк ХККМ Тошкент ш.

МФО 00014 СТИР 200540898
ОКОНХ 90310

Директор в.в.б.

м.ў.



Н. Насретдинова

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

2022-yil “27” iyul

Toshkent sh.

1. Loyihaning turi: shartnoma.

2. Loyihaning nomi:

Mirzo Ulug‘bek tumani 105 sonli maxsus maktab internati osoyishtalik bo‘limi va IDEAL FRIEND PARTNES ” MCHJ o‘rtasida 2022-yil 26-iyul sanasida tuzilgan № 22/02-sonli shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:

Toshkent shahar Mirzo Ulug‘bek tumani 105 sonli maxsus maktab internati bo‘limi tomonidan ishlab chiqilgan va 27-iyul kuni dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Mirzo Ulug‘bek tuman

Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi

bosh yuriskonsulti



A.N.Jumaniyozova

“ТАСДИКЛАЙМАН”

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани
105-сонли махсус мактаб-интернати
В.б.б. директор, комиссия раиси
Н.К.Насретдинова



Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани 105-сонли махсус мактаб-интернатининг Ҳожатхоналарини жорий таъмирлаш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар уртасида танлов утказиш бўйича комиссия йиғилиши
БАЁННОМАСИ №-3

Тошкент ш.

2022 йил “26” июль

Иштирок эттилар:

Н.К.Насретдинова	В.б.б.Директор - танлов комиссия раиси
Ж.М.Турабоев	Хисобчи - комиссия котиби
Д.Г.Мухамедходжаева	Врач - танлов комиссия аъзоси
Н.Ж.Юнусова	Бош ҳисобчи - танлов комиссия аъзоси
Ш.Э.Алматов	ХИБДЎ - танлов комиссия аъзоси
И.Н.Пасечнюк	Омбор мудир - танлов комиссия аъзоси

КУН ТАРТИБИ:

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани 105-сонли махсус мактаб-интернатининг Ҳожатхоналарини жорий таъмирлаш бўйича

(Н.К.Насретдинова, Ж.М.Турабоев, Д.Г.Мухамедходжаева, Н.Ж.Юнусова, Ш.Э.Алматов, И.Н.Пасечнюк)

Таълим муассаси томонидан 2022 йил 15 июлда Ўзбекистон Республикаси товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига муассаса Ҳожатхоналарини жорий таъмирлаш бўйича № 22110012123238 – сонли лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 21 июлдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини утказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган “Ҳожатхоналарини жорий таъмирлаш бўйича” баённомасига асосан эълон якунига қура Комиссия аъзолари томонидан **ООО “IDEAL FRIEND PARTNERS”** ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб;

КАРОР КИЛИНДИ:






1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тугрисида”ги 684 – сонли Қонуннинг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш

қунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома ҳеч қандай эътирозлар ёки қушимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Муассаса бош ҳисобчиси Н.Ж.Юнусова;

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 21 июлдаги электрон баённомасига асосан голиб **ООО "IDEAL FRIEND PARTNERS"** билан қонунчиликда урнатилган тартибда шартнома тузилсин ҳамда хизмат курсатиш сифат даражаси нозоратга олинсин.

Комиссия аъзолари:

Н.К.Насретдинова	
Ж.М.Турабоев	
Д.Г.Мухамедходжаева	
Н.Ж.Юнусова	
Ш.Э.Алматов	
И.Н.Пасечнюк	